



ОЗОД ВА ОБОД ЮРТ БАҲОРИ

Юртимизга биз орзиқиб кутган, соғинган БАҲОР фасли кириб келди. Бу фасл яшариш, янгиланиш рамзидир. Баҳор келиши билан табиат уйғонишга тараддуд кўрса, ҳар бир инсон қалбида шунга монанд янги орзумидлар куртак ёзади. Энг муҳими, уларни рўёбга чиқаришга ўзимизда катта иштиёқ, куч-гайрат сезишимиз, қалбимизда яшашга, ўзаро меҳр-муҳаббатга ошнолик бўй кўрсатиши билан ҳам бу фасл инсон кўнглига жуда яқин.

Қолаверса, озод ва обод юртимизнинг бу йигирма биринчи баҳори. Зеро, мамлакатимиз мустақил тараққиётининг йигирма йилида эришилган улкан муваффақиятлар халқимизнинг фаровон турмуши, гўзал дийримизда амалга оширилган улкан бунёдкорликлар халқро микёсда ҳам кўп бора эътироф этилди. Ана шу асослар бизнинг янги тараққиёт босқичига қадам кўйганимизни аниқлатади.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлининг ҳар бир йили, ҳар бир доғони залворли ютуқлар, бетимсол ўзгаришлар билан Ватанимиз тарихи зарварақларига битилмоқда. Тарихан қисқа давр ичида миллий кадрларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни, халқимизнинг асрлар давомидида шаклланиган менталитетини ҳисобга олган ҳолда замонавий демократик давлат қуришнинг мустақам пойдевори кўйилди ва мустақамланди. Утган йиллар ичида Ўзбекистон иқтисодийи жадал ривожланаётган, ишлаб чиқариши ва ижтимоий инфратузилмаси юқори, банк-молия тизими барқарор етакчи мамлакатлар сафидан жой олди.

Инсон шаъни ва қадр-қимматини ҳамма нарсадан устун қўйиш, кўмак ва мададага муҳтожларга беминнат ёрдам бериш, тинч-оқойишга ҳаётни асраш ва мустақамлаш йўлида ўзини аямасдан хизмат қилиш халқимизнинг энг улуг қадриятларидан. Давлатимиз раҳбари томонидан юриштилатган



ана шу фазилатларга хос оқилона сиёсат бугун дунё жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Гўзал юртимизга кўклар нафаси кириб келаятган мана шу ёруғ кунларда беихтиёр хотин-қизлар байрами — 8 март ҳам ёдга тушади. Зеро, баҳор ва аёлни бир-биридан айро тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Бугунги кунда ҳаётимизнинг қайси соҳа ва йўналишини олмайлик, бу — давлат ва жамият қурилиши ёки ишлаб чиқариш тармоқлари бўлади, фермерлик ва тадбиркорлик, тиббиёт, таълим-тарбия, фан ва маданият, санъат бўлади — уларнинг ривож ва самарасини оширишда, юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда, халқро майдонда давлатимизнинг

обру-этиборини юксалтиришда опа-сингилларимизнинг муносиб ҳиссаси бор. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг қобилияти ва истеъдодини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича амалга оширган улкан ишларимиз ҳақида албатта, кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

Биргина «Соғлом она — соғлом бола» деб ном олган, бугунги кунда умуммиллий ҳаракатга айланган дастур доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг ўзи салмоқли натижалари билан кўпчиликнинг хайрати ва ҳавасини уйғотмоқда.

Яқинда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан аёл-

ларнинг ижтимоий ҳамда меҳнат фаоллиги даражаси ўрганилганда, ислохотларни янада чуқурлаштиришда хотин-қизларнинг ҳиссаси ортиб бораётгани маълум бўлди.

Утказилган сўров давлатимиз раҳбарининг жамиятда хотин-қизларнинг ўрни ва мавқеини ошириш, уларнинг мамлакатимизда ҳаётга таъбиқ этилаётган кенг қўламли ислохотлардаги иштирокини кенгайтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш, касбий ҳамда интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, хотин-қизлар ва болалар саломатлигини яхшилашга доир ишларни қулайтириш бўйича амалга оширилаётган сиёсати аҳоли томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланаётгани яна бир бор тасдиқлади.

(Давоми иккинчи бетда)

Оила — том маънодаги муқаддас гўша, Ватан ичра кичик ватандир. Шу боисдан мамлакатимизда Президентимиз ташаббус билан оила институтининг ривож ва фаровонлиги йўлида улкан ишлар амалга ошириб келинмоқда. Оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, ўз навбатида, бу табарруқ гўша фаровонлиги янада юксалишига замин яратмоқда.

2012-йил — «Mustahkam oila yili»

Оила мустақамлигининг ҳуқуқий асослари

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йилнинг «Мустақам оила йили» деб аталиши замирида ҳам улкан маъно-мазмун мужассам. Зеро, ҳар бир йилга ном берилган, албатта, Давлат дастури ишлаб чиқилиб, унда келгусида амалга оширилаётган устувор вазифалар, мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар режаси белгиланади. Шу йил 27 февралда қабул қилинган Президентимизнинг «Мустақам оила йили» Давлат дастури тўғрисида»-ги қарориди оила институти-

нинг ҳуқуқий асосларини, қонуний базасини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилгани фикримизнинг исботидир.

Айтиш керакки, «Мустақам оила йили» муносабати билан қабул қилинажак қонун ҳужжатлари нафақат бир йилга ёки яқин келажакка, балки узоқ истиқболга ҳам йўналтирилган бўлиши лозим. Шу нуқтаи назардан олганда, бу масала, эндиликда парламент ва қонунийлик ташаббуси субъектлари диққат-этиборида бўлади.

(Давоми учинчи бетда)

2-mart — O'zbekiston BMTga a'zo bo'lgan kun

Ҳамкорлик изчил ривожланмоқда

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз дунёнинг кўплаб давлатлари, жаҳондаги нуфузли халқро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди. Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан алоқалари изчил ривожланиб бораётгани, ушбу ташкилотнинг қатор тузилмалари билан яқин ҳамкорлик мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 46-сессиясида Ўзбекистон Республикаси яқдлик билан маъқуллаш асосида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг БМТ Бош ассамблеяси мажлисларида халқро терроризм, диний экстремизм, курул-яроғ ва наркотрафикка қарши курашиш бўйича илгари сурган ташаббуслари жаҳон миқёсида катта эътибор ва қизиқиш уюғди. Давлатимизнинг таклиф ва ташаббуслари Марказий Осиё минтақасининг ядро курулидан ҳоли ҳудуд макомини олишида, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришда, Орол фожияси оқибатларини юмшатишда, минтақамиздаги

экологик муҳит хавфсизлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1999 йил Истанбулда ўтган саммитида Президентимиз Ислам Каримов БМТ ҳузурида терроризмга қарши кураш бўйича халқро марказ ташкил этиш госяини илгари сурди. 2001 йил сентябрь ойида БМТ Хавфсизлик кенгаши доирасида терроризмга қарши кураш қўмитасининг ташкил этилиши бу гоёнинг амалдаги натижаси бўлди.

(Давоми учинчи бетда)

Mulohaza

Тарбия масъулияти

ҳар биримиздан ёшларга алоҳида эътибор беришни тақозо этади

Халқимиз азалдан фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор билан қараб келган. Зеро, ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб улғайган, миллий қадриятларга содиқ фарзандлар она-Ватан келажигида ҳал қилувчи ўрин тутаяди. Мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ ёш авлод тарбияси давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилангани замирида ҳам айнан шундай эзгу мақсад мужассам. Жумладан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган узлуқсиз таълим тизими ёшларнинг ҳар томонлама баркамол ва етуқ инсонлар бўлиб улғайишлари учун барча имкониятлар эшигини очиб берди.

(Давоми иккинчи бетда)



Istiqlol va imkoniyat

Бунёдкорликдан чирой очаётган манзиллар

Мустақиллик йилларида юртимизда иқтисодий, ижтимоий соҳаларда туб ислохотлар амалга оширилди. Бу улкан бунёдкорликларга ҳам замин ҳозирлаб, бундан мамлакатимизнинг ҳар бир гўшаси ўзига хос чирой очди. Жумладан, Навоий вилоятига йўлингиз тўтас, бунга амин бўлингиз мумкин.

Вилоятда истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан Қизилқум фосфорит комбинатининг иккинчи навбати ишга туширилди. Бундан ташқари ҳаво транспортини ри-

вожлантириш, юк ва йўловчи ташиш ишларини кенгайтириш мақсадида «Навоий» аэропорти тубдан реконструкция қилиниб, «Халқро аэропорт» мақомига эга бўлди. Шунингдек, қуввати суткасига 300 тонна юк қабул қилиш имкониятига эга юк терминали қурилиши ниҳоясига етказилди.



Маълумки, судланганлик шахсининг содир этган жинояти учун ҳукм қилинганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатдир.

Mezon

Судланганлик ҳолати уни тугатишнинг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?

Шахсни ҳукм қилиш деганда, уни муайян жиноятни содир этишда айбдор деб топиш, шунингдек, унга нисбатан жаза таъинлаш тушулинади. Жазонинг тури ва миқдори шахсни судланган деб топиш ва ҳисоблаш учун аҳамиятга эга эмас. Лекин бу судланганликнинг тугаланиши ёки олиб ташланишига таъсир қилади.

Қонун талабига кўра, жазодан озод қилинган шахс судланган, деб эътироф этилмайди. Бундай пайтда жаза таъинланмасдан қабул қилинган айблов ҳукми, шунингдек, кучга кирган амнистия акти билан жазодан озод қилинган ёки жавобгарликка тортиш муддати ўтиши шароитида шахс судланмаган, деб тан олинishi керак.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ko'magi

Хорижий инвесторлар уларнинг ҳуқуқий ҳимояси қонунда тўлиқ акс этган

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг эркин ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги саяё-ҳаракатларнинг амалий ифодаси ўлароқ тадбиркорлик соҳаси иқтисодий тараққиётининг таянч устуларидан бири сифатида шаклланиб, республикамизда янги иш ўринлари очиб, барқарор даромад манбаларини яратилишининг энг муҳим омилларидан бирига айланади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, тадбиркорликни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ушбу соҳани ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, Конституцияимизда мулк ва мулкый муносабатлар муҳофазаси кафолатлангани мамлакатимизнинг келажигини, давлатимиз ва жамиятимизнинг сиёсий-ижтимоий қурилишини белгилаб берди. Шунингдек, «Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес йили»да тадбиркорликни ривожлантиришга ҳамда ушбу соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари учун кенг қўламли имтиёз ва шарт-шароитларни яратишга қаратилган бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

(Давоми иккинчи бетда)



кстоннинг жаҳон ҳамжамиятида обрўси тобора ошиб бораётганини кўрсатмоқда. Бундай корхоналарда касб-хунаро коллеларини тугатган навоийлик ёшлар ишлаётганлиги ҳам алоҳида аҳамиятга молик.

Бугунги кунга келиб, вилоятда Корея, Бирлашган Араб

Амириклар, Сингапур, Хитой, Хиндистон, Малайзия каби қатор йирик давлатлар билан ҳамкорликдаги қўша корхоналарнинг фаолият кўрсата бошлаганлиги кўзланган улуг мақсадга эришилаётганлигидан адалолат бериб турибди.

(Давоми тўртинчи бетда)

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)
 Дарҳақиқат, замонавий услубдаги ўқув масканлари, мактаб, мактабча ва мактабдан ташқари таълим муассасалари, маданият, санъат ва спорт ишоотлари давлатимиз томонидан ёш авлод оширилайётган ислохотларнинг амалий кўринишидир.

хам олдинда бораётгани алоҳида таъкидланган.
 Вилоятимизда ҳам вояга етмаганларнинг бўш вақтларини умумий ўтказиш, уларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш борасида мўайян ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, «Насаф», «Машъал» ва «Шўртан» футбол клублари қошида болалар футбол академиялари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)
 Аёл ҳақида сўз борар экан, албатта, келажак эгалари — фарзандларимиз манфаатлари ҳақида ҳам сўз юритишга тўғри келади. Зотан, баркамол авлодни тарбиялаш халқимизнинг энг эзгу қадриятларидан. Истиклол йилларида Президентимиз раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгиланди. Ёшларга таълим-тарбия бериш жараёнида уларнинг интеллектуал салоҳиятини, маънавиятини юксалтириш, жисмонан чиққиниришининг самарали механизми шаклланди. Фарзандларимизга жаҳон таълим стандартлари асосида билим бериш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида пойтахтимиз ва вилоятларда ўнлаб таълим муассасалари, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, муסיқа, санъат ва спорт мактаблари барпо этилди.

Юртимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат буларга кенг йўл очмоқда. Аналик ва болаликни муҳофаза қилиш, вояга етмаганлар ва хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимоясининг ишончли кафолатларини яратиш бора-



Қонун кўмаги

Хорижий инвесторлар

уларнинг ҳуқуқий ҳимояси қонунда тўлиқ акс этган

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)
 Жумладан, Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини текширишлари янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, унга кўра, янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳўжалик фаолияти дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширишларидан ўтказилган қўшимча қўйилди. Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш мuddатлари 30 календар кунидан ортқ мuddатга узайтирилишига йўл кўйилди.

Айтиш жоизки, Адлия вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлиmlари томонидан хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ишлар кенг кўламада олиб борилмоқда. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2011 йил давомида хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг

Iffixor

Озод ва обод юрт баҳори

сидаги Ўзбекистон тажрибаси дунё жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилаётган.

Мустақиллик йилларида юртимизда оналар ва гўдаклар ўлими уч баробардан кўпроқ камайди. Ўзбекистон 2011 йилда «Болаларни асрайлик» халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингига ўсиб келаяётган ёш ахлоқ саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаяётган давлатлар орасида юқори кўрсаткич 9-ўринни эгаллади.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 27 февралда қабул қилинган «**Мустаҳкам оила йили**» Давлат дастури тўғрисида»ги қарориди «**Соғлом она — соғлом фарзанд**» тамойилига мувофиқ оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилгани бу йўналишдаги ишларни янада юксак босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг миллий тизими яратилган. Бу жараёнда болалар ва хотин-қизлар ҳуқуқлари муҳофазаси доимий эътиборда. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг қўйилган дастлабки халқаро ҳужжатлардан бири «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенциядир. Бош қомусимизда вояга етмаганлар ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги мустаҳкамланган. Шунингдек, «**Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида**» ва «**Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида**»ги қонунлар фарзандларимизнинг қонун бўлиб ўлгайиши учун кенг ҳуқуқий кафолатлар ва шароитлар яратмоқда.

Хотин-қизларнинг ижтимоий ва сиёсий фаолиги, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлашда давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «**Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**»ги Фар-



мони муҳим дастуриламал бўлаётган. Хотин-қизлар ҳуқуқларининг кафолатлари Конституциямиз ва қўллаб қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Мамлакатимизда хотин-қизлар манфаатлари ифода этилган қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси (CEDAW) ратификация қилинган.

— Президент Ислам Каримовнинг ташаббуси билан Ўзбекистонда ҳар бир йилга алоҳида ном берилиб, мақсади давлат дастурлари амалга оширилаётгани жаҳон миқёсида ҳам катта қизиқиш уйғотиб, тан олинмоқда, — дейди **Словения Республикаси Омбудсмени Зденка Чебашек-Травник**. — Буларнинг барчаси мамлакат тараққиёти ва халқининг фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётгани шубҳасиз. Жорий йил Ўзбекистонда «**Мустаҳкам оила йили**» деб номлангани юксак гуманизмнинг амалдаги ифодасидир. Миллат келажакнинг асоси бўлган оналар ва болаларга бундай ғамхўрлик кўрсатилаётгани ҳар жиҳатдан

ибратлидир.
 — Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, айнаси, аёллар ва болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалашга катта эътибор қаратилаётгани алоҳида аҳамиятга молик, — дейди **АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жорж Крол**. — 2012 йил «**Мустаҳкам оила йили**» деб номланган оилаларнинг, демакки, болалар ва аёлларнинг манфаати йўлида янада кўпроқ ва самарали ишлар амалга оширилади, деганидир. Зеро, оила мустаҳкамлиги жамият тараққиётининг муҳим асоси ва узвий таркибий қисmidир.
 Мухтасар қилиб айтганда, мана шундай эътибор юртимизда бу йил — «**Мустаҳкам оила йили**»да янада юқори босқичга кўтарилади. Халқимизнинг кўтаринки кайфияти, юртимиздаги тинчлик-ҳотиржамлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳити бунга кенг йўл очди. Бундай хайрли орзу-ниятларимизга етишимизда бизга заминимизни, уйланишимизни, қалбимизни ўз таровати билан илтиган баҳор ҳам оқ йўл тилаётгандай гўё.

Норгул АБДУРАИМОВА

Тарбия масъулияти

ҳар биримиздан ёшларга алоҳида эътибор беришни тақозо этади

Вояга етмаганлар ҳуқуқлари га доир 100 дан зиёд қонун ҳужжатларининг қабул қилингани ҳам бу борада муҳим омил бўлаётган. Хусусан, 2008 йил 16 апрелда «**Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик, уларни жойлаштиришда қонун талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди. Ўзини-ўзи бошқариш органлари, таълим, даволаш ва бошқа муассасаларнинг мансабдор шахслари ҳамда фуқароларга ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига тақдим этиш мажбурияти юклатилди.

фаолият кўрсатаётгани фикримиз далилидир. Мексикада бўлиб ўтган 17 ёшли ўсмирлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида «Машъал» футбол академиясининг тарбияланувчиси Мирзамурод Жўрабоев нуносиб иштирок этгани ҳам ёшларни спортга жалб этишининг нақадар тўғри ва оқилона йўл эканини тасдиқлайди.

Айтилганидек, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш муҳим омил саналади. «**Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**»ги қонунда ёшларнинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган меъёрлар ўз ифодасини топган. Чунончи, қонунда вояга етмаганларнинг тунги вақтда ота-онасидан бири ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс кузатувисиз ресторан, кафе, бар, дискотека, кинотеатр, компьютер зали каби кўнгилочар тадбирлар ўтказиладиган биноларга киритилганлик учун маъмурий жавобгарлик кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбарининг 16-17 февраль кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «**Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққиёт этириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт**» мавзусидаги халқаро конференциядаги маърузасида таъкидланганидек, юртимизда фаол, интилувчан, иктидорли ва юксак маънавий фазилатларга эга, замонавий билим ҳамда касбларни чуқур эгаллаган — бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлиши ёшларни вояга етказиш учун барча шарт-шароит ҳамда имкониятлар яратилади.

Жаҳондаги кўпгина давлатлар қонунчилигида ҳам вояга етмаганларнинг тунги вақтда кўнгилочар тадбирларда иштироки масаласи ўз ифодасини топган. Жумладан, 2009 йилда Россия Федерациясида бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари тўғрисидаги қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унда давлат, маҳаллий идоралар ҳамда ота-оналарнинг болаларни соғлом ва маънавий етук этиб тарбиялаш борасидаги мажбуриятлари, шунингдек, 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг тунги вақтда катта ёшдагилар кузатувисиз кўнгилочар жойларга боришига чеклов белгиланган. Германиянинг 2002 йил 23 июлдаги «Ёшлар муҳофазаси тўғрисида»ги қонунда ҳам 18 ёшга тўлмаган ўсмирларнинг тунги кўнгилочар жойларда бўлиши тақиқланган.

Айрим хорижий давлатларда эса (АҚШ, Франция, Германия каби) алькоголли ичимликларни тунги вақтда сотиш жойлари чекланган бўлиб, алькоголли маҳсулот сотиладиган ва истеъмол қилинадиган жойларга вояга етмаганларни киритиш тақиқланган. Буюк Британияда спиртли ичимликларни сотишга 8.00 дан 21.00 гача рухсат этилган. Ирландияда эса, алькоголли ичимликлар билан савдо қиладиган барларга 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг 21.00 дан кейин кириши тақиқланади.

Вояга етмаганларнинг бўш вақтларини умумий ва мазмунли ўтказиш, ўзлари қизикқан йўналиш бўйича билим ва кўникмаларини янада мукаммаллаштиришга кўмак бериш борасида ҳам аниқ-чора тадбирлар амалга оширилаётган. Зеро, ёшларнинг ўз вақтларини бесамар ўтказишига асло йўл қўймаслик лозим. Чунки бу билан, биринчидан, вақт деб аталмиш бебаҳо неъмат ҳавога соврилади, иккинчидан эса, бекорчиликдан зериккан ёшларнинг турли зарарли одатларга ўрганиб қолиш эҳтимоли кучаяди.

Айрим хорижий давлатларда эса (АҚШ, Франция, Германия каби) алькоголли ичимликларни тунги вақтда сотиш жойлари чекланган бўлиб, алькоголли маҳсулот сотиладиган ва истеъмол қилинадиган жойларга вояга етмаганларни киритиш тақиқланган. Буюк Британияда спиртли ичимликларни сотишга 8.00 дан 21.00 гача рухсат этилган. Ирландияда эса, алькоголли ичимликлар билан савдо қиладиган барларга 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг 21.00 дан кейин кириши тақиқланади.

Шу боис ҳам мамлакатимизда болаларни ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Мазкур соҳада болалар ҳуқуқларини белгилувчи мукамал қонунчилик базаси яратилди. Айнаси, «**Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида**»ги қонуннинг қабул қилиниши жамиятда бола ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши ва кафолатларининг аниқ механизми яратилишини таъминлади. Шу билан бирга, қонунда БМТнинг «**Бола ҳуқуқлари тўғрисида**»ги конвенциясидаги боланинг асосий ҳуқуқлари ҳақидаги қоидалар мазмун ҳам ўз ифодасини топди.

Мухтасар қилиб айтганда, биз буюк келажакимизни, аввало, ёш оилалар, ёш авлод тимсолида кўраимиз. Бугун катта ҳаётга қадам қўяётган навқирон ўғил-қизларимизнинг ақл-заковотига, ҳаракат ва интилишларига боқиб, уларнинг юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган янги ҳаёт, янги жамият қуришга қодир эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Бу ишончга болаларнинг барча ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминотга оид барча ҳуқуқлари кафолатлаб қўйилганлиги асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, ЮНИСЕФнинг ижтимоий мониторинг ва бошқа тадиқотларида Ўзбекистонда болаларнинг соғлигини сақлаш, уларни касбга йўналтириш учун сарфланаётган давлат ҳаражатлари миқдори Марказий Осиё мамлакатлари орасида энг юқори экани, оналар ва болалар фаровонлигининг айрим кўрсаткичлари бўйича эса, республикамиз халқаро форумларнинг яқин келажак учун ишлаб чиққан тавсияларидан

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар ҳамда бу борада барча шарт-шароит ва қўлайликлар яратилаётгани амалда ўзининг аниқ самарасини бермоқда. Буни мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ялли маҳсулотларнинг 50 фоиздан ортқия тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келаятгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Албатта, тадбиркорлик субъектлари учун яратилаётган қўлайлик ва имкониятлар аниқ пайтда уларнинг зиммасига алоҳида масъулият ҳам юклайди. Жумладан, ҳар бир тадбиркор, аввало, қонуний фаолият юритиши, қонунларда белгиланган қўйилган солиқ ва бошқа тўловларни ўз вақтида тўлаб бориши лозим. Афсуски, ҳаётда ана шу қонунларга амал қилмай, давлат ва жамият манфаатига зиён етказаяётган кимсалар ҳам учраб туради.

Масалан, Ботир Қўқоров «Трансфукор» маъсулияти чекланган жамиятининг директори лавозимида фаолият кўрсатиб келган. Ушбу корхона билан «Прим Строй Мастер» маъсулияти чекланган жамияти ўртасида «Карвон-тараққиёт» маъсулияти чекланган жамиятга тегишли 4-мева-сабзавотлар комбинатида жойлашган темирйўл шахобчасида қурилиш ишларини бажариш тўғрисида шартнома тўзилди.

Б.Қўқоров раҳбарлик қилган корхона шартнома шартларини тўлиқ бажаради.

464 та мурожаатлари кўриб чиқилиб, уларни қонуний ҳал этиш чоралари амалга оширилди.

Кези келганда шунга айтиш керакки, бу борада Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги идораларида жорий этилган «Ишонч телефонлари» муҳим ўрин тутмоқда. Масалан, «Рау-Топ» кўша корхонаси раҳбари О.Муллажонов Наманган вилояти адлия бошқармасига мурожаат этиб, Чуст тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан корхонанинг қўшимча қиймат солиғи бўйича ортқича тўловлари бошқа қарзларга йўналтирилмаётганлигини баён қилган.

Мазкур мурожаат батафсил ўрганиб чиқилиб, корхонанинг қўшимча қиймат солиғидан бўлган 66.414.503 сўмлик ортқича тўловлари бошқа солиқ турлари бўйича қарзини узишга йўналтирилди, шунингдек, туман давлат солиқ инспекцияси қиритилган қўшимча асосан, қўшимча корхонанинг ҳисоб рақамига қўйилган 64.148.100 сўмлик 19 та инкасса талабномалари ижросиз қайтариб олинди.

Бундан ташқари ўрганишлар натижасида назорат қилувчи идораларга, шунингдек, маҳал-

ли ҳоқимликларга қонунбузилишини ва унга олиб келувчи шарт-шароитларни бартафори этиш ҳақида 396 та тақдимнома, 929 та кўрсатма ва огоҳнома хати киритилди. Қўйилган таъсир чоралари асосан 478 нафар мансабдор шахс интимижий жавобгарликка тортилиб, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга 381.433.000 сўм маблағ тайарланди.

Адлия вазирлиги томонидан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширишларнинг қонунийлигини ўрганиш ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда юритилган «Текширишлари рўйхатга олиш китоби» мониторинги жараёнида давлат бошқарув идоралари томонидан 32 ҳолатда ноқонуний текшириш ўтказилганлиги аниқланди.



Масалан, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Навоий вилояти Учқудук бўлими томо-

нидан 2011 йил 25 мартда «Промэлектро» қўша корхонасида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши рухсатсиз ноқонуний текшириш ўтказилганлиги аниқланди. Вилоят адлия бошқармаси томонидан 2011 йил 4 майда вилоят прокуратурасига киритилган тақлиф асосида Пенсия жамғармаси Навоий вилояти Учқудук бўлими юристконсулти Ш.Мирвафоев ҳамда 1-тоифали мутахассиси А.Саидовга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241-1-моддаси асосида маъмурий иш қўзғатилди.

Хулоса ўрнида шунга таъкидлаш керакки, мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасига кўрсатилаётган эътибор амалда ўз натижасини бераётган. Мазкур соҳанинг юртимиз ялли ички маҳсулотидидаги улушининг йилдан-йилга ошаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Албатта, бунда соҳага оид қонунчиликнинг мунтазам рившида такомиллаштирилаётгани, шунингдек, ҳуқуқ-тартиб идоралари томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўлиқ муҳофаза этилаётгани муҳим омилдир. Бинобарин, тадбиркорларнинг қонуний фаолиятига бирор-бир тарзда тўсиқлик қилиш, шахс-шубҳасиз, жавобгарликка сабаб бўлади. Юқорида келтирилган мисолларимиз ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Саидолиев МАҲМАДУЛИЕВ, Адлия вазирлиги масъул ходими

Солиқ

сўм пул ўтказиб берилганини айтиб ўтгандик. Лекин мутахассислар томонидан назорат ўлчови ўтказилганда, у ерда 10 миллион сўмлик эмас, балки 103.181.392 сўмлик қурилиш ишлари бажарилганлиги аниқланди. Демак, Б.Қўқоров ва бошқаларнинг 93.181.392 сўмлик бажарилган ишлар ҳажмини, харажат қилинган темир йўл қурилиш материалларини қасддан яшириши оқибатида 93.181.392 сўм «Прим Строй Мастер» МЧЖнинг 2009 йил якуни бўйича молиявий натижалари ҳисоботида акс этмаган. Бунинг оқибатида ушбу суммадан давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган 7.454.511 сўм миқдоридида ягона солиқ ва кўп миқдордаги бошқа мажбурий тўловлар тўланмаган. Расмий ҳужжатларга эса, сохта маълумотлар киритилган...

Суд Б.Қўқоровнинг қилмишидан пушаймонлигини, етказилган зарарни қоплаганлигини ҳисобга олди ва унга озолиқдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлади. Мамлакатимизда тадбиркорлик фаоли-

ти учун яратилган имконият ва қўлайликларнинг қадрига етмаганлардан яна бири Абдурахмон Нишонбоевдир. У Жиноят кодексининг 184-моддаси 2-қисми «б» банди, 189-моддаси 3-қисми, 190-моддаси 1-қисми ва 205-моддаси 2-қисми «а» банди билан айбланиб, судга берилган. Аниқланишича, «Tandem plus» корхонасининг раҳбари бўлган А.Нишонбоев белгиланган тартиб-қоидага биноан улгуржи савдо билан шуғулланиш учун савдонинг бу тури билан шуғулланишга рухсат берадиган лицензия олиши керак эди. Бундай рухсатнома олмастан фаолият кўрсатиш эса, қонунга хилоф ҳисобланади. Шунга қарамай А.Нишонбоев лицензиясиз улгуржи савдо билан шуғулланаверади. У 2009 йилнинг дастлабки 9 ойи мобайнида 111.851.800 сўмлик улгуржи савдо фаолиятини амалга оширади, устига-устак 40.987.800 сўмлик товар-моддий бойликларни сотишдан тушган маблағларни банк муассасасига топширмастан яна бир жиний қилмишига йўл қўйди.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Истиқлол йилларида мамлакатимизда оила муҳофазасининг мустақкам қонуний асослари яратилди. Оилани мустақкамлаш хусусида фикр юритганда, миллий қонунчилигимизда оилавий муносабатларини тартибга солувчи меъёрлар, энг аввало, Конституция- мизда мустақкамланганини таъкидлаш жоиз. Асосий қонунимизнинг «Оила» деб номланган алоҳида боби айнан оилани мустақкамлашга қаратилган. Бинобарин, мазкур бобдаги ҳар бир модданинг маъноси оила — жамиятнинг асосий бўлиги бўлиб, у давлат ва жамият муҳофазасида эканлиги мужас- самлаштирилган.

Шунингдек, «Оила» кодексининг 1- моддасида оила қонунчилигининг вазифалари белгиланган ва энг биринчи ва- зифа — оила мустақкамлигини таъмин- лашдан иборат эканлиги қайд этилган. Оила мустақкамлиги таъминланганинг энг биринчиси — эр-хотин ўртасидаги никоҳга асосланган иттифоқ, шахсий ҳамда мулкый ҳуқуқлар тенглиги, энг муҳими, ўзаро меҳр-муҳаббат ва ишонч- дир. Оилавий муносабатларга ўзбо- шимчалик билан аралашшига йўл қўйилмайди. Бу ўринда оилани мустақкамлаш, оилада тажрибасизлик ор- қасидан келиб чиқадиган тушунмовчи- ликларни бартараф этиш учун ота-она, қариндошлар ва шу оилга яқин бўлган инсонлар йўл-йўриқ кўрсатишини, наси- ҳат қилишини ўзбошимчалик билан адаштириб юбормаслик керак.

Шундай ҳолатлар бўладики, оилавий муносабатларда баъзан ўзаро келиш- мовчилик юзга келади. Бу кўпроқ ўзаро бир-бирини тушунмасликдан келиб чиқади. Шунинг учун Фуқаролик процессуал кодекси асосида ушбу келиш- мовчиликларни бартараф қилади- ган алоҳида фуқаролик ишлари бўйи- ча судлар бор. Оилаларда фуқаролар ўртасида келиб чиқадиган ўзаро келиш- мовчиликларни яраштириш, келишув орқали ҳал қилиш учун қонунчилик асо- слари яратилган.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари то- монидан тақдим этилган **Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида** ҳам муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик масала сифатида оилавий бизнесга жуда катта эътибор берилганига тўхталиб ўтиш жоиз. Хусусан, Концепцияда оилавий бизнес тўғрисида янги қонун қабул қилиш ва- зифаси қайд этилган. Зеро, оилавий бизнес — ҳар бир оила учун даромад

манбаи. Бу аҳоли турмуш фаровонли- гини ошириш баробарида, мамлакат иқтисодий тараққиётини юксалтириш- да ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мантиқан олиб қараганда, иқтисодий бақувват, бадавлат оилалари кўп мам- лакат бой ҳисобланади. Шу маънода оилани бой қилиш учун, бошқача ай- ганда, унинг аъзолари бирор ишга қўл

дан **«Оилавий бизнес тўғрисида»**ги қонунни муҳокама қилиш жараёни да- вом этмоқда. Мазкур қонун **«Мустақкам оила йили»** Давлат дастурининг би- ринчи йўналишида белгиланган қонун- чиликни мустақкамлаш ва ҳозирги давр талабини инобатга олган ҳолда оила институтини ривожлантиришга хизмат қилувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳуж-

ларнинг оёққа туриб олишига, моддий жиҳатдан таъминланишига бевосита мадад ва кўмак бўла оладиган қатор амалий тадбирларнинг белгилангани фикримизнинг далилидир. Мустақкам оила госянинг амалий ифодасини, Президентимиз маъруза- сида келтирилганидек, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи сифати- да ном қозонган маҳалла тизими фао- лиятида ҳам яққол кўрс бўлади. Оила- лар тинчлигини кўзлаб, уларда келиш- мовлик юзга келганда бартараф қи- лишда кўмаклашиш жамоатчилик номи- дан, энг аввало, маҳалла зиммасига тушади. Уларнинг ҳузурлида бугунги кунда ярашув комиссиялари фаолият юритмоқда. Ушбу комиссиялар кўмаги- да, тўпланган тажрибалар асосида кўпни кўрган, барчага намуна, ибрат бўладиган инсонлар йўл-йўриги билан ажрашиш ҳолатига келиб қолган айрим оилалар сақлаб қолинмоқда.


Шу ўринда оиланинг янада мустақ- камлигини таъминловчи, яъни Оила кодексининг вазифалари сирасига кир- увчи омил — оила аъзолари ўз ҳуқуқ- ларини монъеликсиз амалга ошириши ҳамда бу ҳуқуқларнинг химоя қилини- ши таъминланишидан иборат эканини қайд этиш ўринли. Баъзи оилаларда ота-оналар келинга, фарзандларга ёки аксинча, фарзандлар кексайган, парва- ришга муҳтож ота-оналарига нисбатан нотўғри муносабатда бўлишади. Пиро- вратда нисбатан муносабати оилавий қонун асосида тартибга солинган му- ҳим аҳамиятга эга.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш жо- изки, 2012 йилда оила институтини яна- да ривожлантириш йўлидаги ишлар кўлами янада кенгайди. **«Мустақкам оила йили»** Давлат дастурида белги- ланган энг муҳим ва долзарб вазифа- ларни йил давомида амалга ошириш нафақат жорий йилда, балки оиланинг узоқ истиқбол учун ҳам хизмат қи- ладиган кўламдор ишлар десак, янглиш- маймиз. Уларни тўла-тўқис бажариш — мамлакатимизда демократик исло- хотларни янада чуқурлаштириш ва фу- қаролик жамиятини ривожлантириш билан боғлиқ ислохотларнинг наваб- тада босқичидаги белгилаб олинган энг асосий вазифаларни амалга оши- ришдаги муваффақиятларимизга за- мин яратади. **«Мустақкам оила йили»**нинг муҳим жиҳати ҳам шундадир.

Мавжуда РАЖАБОВА,
юридик фанлар доктори,
профессор

2012-йил — «Mustahkam oila yili»

Оила мустақкамлигининг ҳуқуқий асослари



уриши, жиддийроқ режа тузиши ва уни амалга ошириши учун уларга би- роз далла керак бўлади. Зотан, Прези- дентимизнинг маърузасида **«бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркор- ликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний бел- гилаб қўйиш вақти келди»**, деб ало- ҳида таъкидланган. Шу маънода, ҳозир- ги кунда қонун ижодкорлари томони-

жатлар қаторидан муносиб жой олиши шубҳасиз. Шу ўринда қайд этиш жоизки, «мустақкам оила» деган сўз замирида чуқур маъно мужассам. Қурилажак ёш оила мустақкам бўлиши учун у ташкил топ- ган пайтдан бошлабқ ҳар жиҳатдан химоя қилиниши ва эркин ривожлани- ши учун зарур шарт-шароитга эга бў- лиши керак. **«Мустақкам оила йили»** Давлат дастурида ҳам айнан ёш оила-

Mezon

Судланганлик ҳолати уни тугатишнинг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шахсининг судланганлик ҳола- ти қуйидаги пайтларда тугаллана- ди:

- а) шартли ҳукм қилинганларга нисбатан — синов муддати туга- ган кундан бошлаб;
- б) хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тар- зидаги жазоларини ўтаб чиққач;
- в) жарима жазоси ижро этил- ган кундан кейин, шунингдек, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жа- золари ўталганидан кейин бир йил ўтгач;
- г) қамоқ жазоси ўталганидан кейин — икки йил ўтгач;
- д) беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — етти йил ўтгач;
- е) беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — етти йил ўтгач;
- ж) ўн йилдан ортиқ, лекин ўн беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси

ўталганидан кейин — ўн йил ўтгач. Судланганлик ҳолатининг тугал- ланиши деганда, муайян мур- датларнинг ўтиши билан мазкур масалага оид суднинг махсус қарори қабул қилинмасдан барча ҳуқуқий оқибатлар ва чекланиш- ларнинг тугалланиши тушунилади. Судланганлик ҳолати тугаллан- ганда шахс судланганлик ҳисобла- нади. Шахс судланганлик мудда- ти тугамасдан янги жиноят содир қилса, бу муддатнинг ўтиши узи- лади. Илгари судланган шахс то- монидан янги жиноят содир этил- ганда судланганликни тугатиш ма- саласи Жиноят кодексининг 80- моддасида кўрсатилган қондалар асосида суд ва тергов идоралари томонидан ҳал қилинади.

Амалдаги қонунларга муво- фиқ, судланганликнинг тугатили- ши судланганлик ҳуқуқий аҳами- ятга эга бўлган тегишли муддат- ларнинг ўтишига боғлиқ. Ушбу муддатларнинг давомийлиги эса жазо, унинг турини, ҳажми ва шар- тли ёки шартли эмаслигига боғ- лиқ бўлади.

Айтайлик, шахс шартли ҳукм қилинганда, судланганлик мудда-

ти бир йилдан уч йилгача бўлган синов муддати ўтгач, тугалланган ҳисобланади. Агар шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан қўшим- ча жазо чораси қўлланилган бўлса, бу муддат судланганлик муддатидан кўп бўлса, судланган- лик қўшимча жазо муддати туга- гач, тамом бўлган ҳисобланади.

Шуни назарда тутиш керакки, судланганлик муддатининг туга- шини ҳисоблашда, судланган шахснинг хоҳиши — иродасига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, ижро этилган муддат ҳамда ижронинг тўхтаганлик му- ддати ҳам инобатга олинади. Бун- дай ҳолда суд айблов ҳукмининг ижро этиш муддати ҳам эъти- бор бериши керак. Чунки шахс- нинг амалда жазони ўтамаганли- ги ва муддатнинг ўтиши шахс- нинг судланган ҳисобланиши- нинг олдини олади.

Ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга ҳукм қилинган шахс озодликдан маҳрум қилиш жазо- сини ўтаб чиққач, шунингдек, ўта хавфли рецидивист, деб топил- ган, ҳунар-техника билим юртларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларида ўқибётганларга, агар улар ўзларининг йиллик таътиллари- ни имтиҳонлар, синовлар топ- шириш, диплом, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишларини ба- жариш вақтига тўғрилаб олишни хоҳласалар;

- технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки ишлар ҳужжатлари ўзга- ришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганиги ёхуд корхо- наннинг тугатилганиги муносабати билан ишдан озод этилган кор- ходимларга (100-модданинг иккинчи қисми 1-банди).

Таътил ҳар йили шу таътил берилаётган иш йили тугагунга қадар берилиши лозим.

Ойбек ИСМОИЛОВ,
жиноят ишлари бўйича,
Бўжа тумани судининг раиси

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Бундан саккиз ой аввал ишга киргандим. Ай- тинг-чи, энди мен йиллик таътил олишим мумкинми? Умуман, йиллик таътил қандай тартибда берилади?



О.НОРОВ,
Шўвот тумани

— Амалдаги Меҳнат кодексининг 143-моддасига биноан, йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун олти ой ишлангандан кейин берилади. Иш йили меҳнат шартномасига биноан иш бошлан- ган кундан эътиборан ҳисобланади.

Таътил қуйидаги ҳодимларга уларнинг хоҳиши бўйича олти ой ўтмасдан олдин берилади:

- аёлларга - ҳомиладорлик ва туғиш таътили олтидан ёки ундан кейин;
- I ва II гуруҳ ногиронларига;
- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;
- муддатли ҳарбий хизматдан заҳирага бўшатилган ва ишга жой- лашган ҳарбий хизматчиларга;
- ўриндошлик асосида ишлаётганларга — асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда, ўриндошлик асосида ишлаган вақтига муносабати равишда ҳақ тўлаган ҳолда;
- ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда умумий таълим мактаб- ларида, ҳунар-техника билим юртларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларида ўқибётганларга, агар улар ўзларининг йиллик таътиллари- ни имтиҳонлар, синовлар топ- шириш, диплом, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишларини ба- жариш вақтига тўғрилаб олишни хоҳласалар;
- технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки ишлар ҳужжатлари ўзга- ришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганиги ёхуд корхо- наннинг тугатилганиги муносабати билан ишдан озод этилган кор- ходимларга (100-модданинг иккинчи қисми 1-банди).

Таътил ҳар йили шу таътил берилаётган иш йили тугагунга қадар берилиши лозим.

Саволга юридик фанлар номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

ИНТИЗОМИ

унга қатъий риоя этиш қонуний фаолиятни таъминлайди

Бунинг устига у 111.851.800 сўмлик улгуржи савдо фаолиятини амалга оши- ргани юзасидан Давлат солиқ инспекциясига топширган ҳисоботларида солиқ олиш объектларини атай қамай- тириб кўрсатиб, 5.592.600 сўмлик ягона солиқ тўловларини қасддан яширади.

Лекин қинғир ишнинг қийиғи кўп ўтмай очилди. Судда жараёнида А.Нишонбоев- нинг айби тўлиқ тасдиқланди ва унга қилмишига яраша жазо тайинланди.

«Poroti Servis» масъулияти чекланган жамияти раҳбари лавозимида ишлаган Баҳром Маматраимовнинг жиноий қил- мишлари билан танишсангиз, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. У дастлабки терговда шах- сини аниқлаш имкони бўлмаган Очил, Саша ва Темур исмли кимсалар билан ўзаро тил бириктириб, фаолияти даво- мида олинган фойдани яшириш ёки қа-

майириб кўрса- тишни, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тў- ламаслик режа- сини тузган ва 2010 йил 5 фев- ралда «Poroti Servis» масъу- лияти чекланган жамиятини Мир- робод тумани ҳокимлигидан рўйхатдан ўтказ- ган.

У 2010 йил- нинг биринчи чорагида жамият томонидан ҳақиқатда бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажмини, яъни

солиққа тортиладиган объектни яшириб, 68.752.300 сўм миқдордаги ягона солиқ ҳамда 392.871.100 сўмлик қўшимча қий- мат солигини тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Бундан ташқари Б.Мамат- раимов Соғлиқни сақлаш ва- зирлиги томонидан фармацев- тика фаолиятини амалга оши- риш ҳуқуқини берувчи махсус лицензияга сохта маълумотлар киритиш йўли билан уни қал- бакилаштиради ва ушбу қалба- ки лицензия асосида бир қатор фирмалар билан 273.616.784 сўмлик дори-дармон воситала- рини пул ўтказиш йўли билан сотиб олиш тўғрисида шартно- ма тузади. Сўнг сотиб олинган дори-дармон воситаларини турли бозорларда нақд пулга сотади.

Шунингдек, у турли корхо- налардан пул ўтказиш йўли би- лан сотиб олинган 880.417.794 сўмлик озиқ-овқат ва ноозиқ- овқат маҳсулотларини ҳам бо- зорларда нақд пулга сотиб, сотувдан туш- ган пул маблағларини банкка топширма-

ган. Б.Маматраимов бу қилмиши билан Жиноят кодексининг 189-моддасида кўрсатилган жиноятни содир қилган.

Энг ёмони, жиноий қилмишлари ош- кор бўлиб, фаолияти ўрганила бошлан- ганда, у жиноий ҳаракатларини яшириш мақсадига корхонанинг молиявий ҳужа- лик фаолиятига оид қатъий ҳисобдаги ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар ва жамият муҳимига қасддан яшириб, яна бир жиноятга қўл ўрди.

Б.Маматраимовнинг қилмишлари суд мажлисида тўла-тўқис ўз исботини топ- ди ва унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Шунингдек, ҳукмда ундан солиқ ва мажбурий тўло- влардан қолган 165.283.660 сўм давлат фойдасига ундирилиши белгиланди.

Маълумки, ўзларининг фаолиятини рисоладагидек амалга ошираётган тад- биркорлар ҳамшира қонун химоясида бўлади. Аммо қонунга хилоф равишда иш юритаётганлар ўз қилмишлари учун бир кунмас-бир кун, албатта, жавоб беради. Ана шу ҳақиқатни унутмаслик керак!

Ёқутхон ХАЙДАРОВА,
жиноят ишлари бўйича
Миробод тумани судининг раиси

2-mart — O'zbekiston BMTga a'zo bo'lgan kun

Ҳамкорлик изчил ривожланмоқда



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш Ўзбекистон билан БМТ ўртасида- ги ҳамкорлик доирасидаги усту- вор вазифалардандир. Қайд этиш жоизки, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлан- тириш тақлифи ҳам мамлақати- ми раҳбари томонидан илгари сурилган. 2006 йилнинг сентяб- рида Марказий Осиё мамлақатла- ри вакиллари «Марказий Осиё» да ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги шарт- номани имзоладилар. Бу шарт- нома минтақамизда тинчликни мустақкамлаш ва оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олди- ни олиш, дунёда ялли ядровий хавфсизликни таъминлаш йўли- даги гоят муҳим қадам бўлди.

БМТнинг 2000 йилда қабул қилинган Мингйиллик ривожла- ниш декларациясини қўллаб-қув- ватлаган Ўзбекистон ўтган давр- да бу борада барқарор иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришди. Ижтимоий соҳада, хусусан, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимлари- да жорий этилган дастурлар ам- алиётга изчил татбиқ этилаётгани мамлакатимизда Мингйиллик ри- вожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги улкан муваффақиятлар- нинг кўлга киритилишида муҳим омил бўлмоқда. 2011-2015 йил- ларда Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирла- ри борасида мамлакатимизда қабул қилинган давлат режаси бу борадаги ишлар кўламини яна- да кенгайтиришга хизмат қилаёт- ир.

Мамлакатимиз БМТнинг қатор таркибий тузилмалари — Тарақ- қиёт дастури, Аҳолишунослик бўйича жамғармаси (ЮНФПА), Гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси (ЮНОДС), Жаҳон соғлиқни сақ- лаш ташкилоти, Болалар жамғар- маси (ЮНИСЕФ), ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури (ЮНЭЙДС), Гендер тенглиги, аёл- ларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва имко- ниятларини кенгайтириш масала- лари тузилмаси, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича та- шкилоти (ЮНЕСКО) билан фео- л ҳамкорлик қилиб келаётир.

ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда болалар саломатлигини мустақ- камлаш, жумладан, улар ўртаси- да юқумли касалликлар тарқали- шининг олдини олиш, эмлаш, мактаблар ва мактабга тарбия муассасаларида тиббий маданият- ни ошириш, санитария-гигиена қондаларига риоя этишни таъ- минлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган кўп- ларли тадбирлар ўтказилмоқда.

ЮНЕСКО — Ўзбекистон мада- ний ҳаётида юз бераётган жара- ёнларнинг фойдаланиш шартли- қи. Утган давр мобайнида бир қатор қадимий шаҳарларимиз ва буюқ аждодларимизнинг юбилей тад- бирлари ушбу ҳалқаро ташкилот билан ҳамкорликда ўтказилди. «Шарқ тароналари» ҳалқаро му- сика фестивали ЮНЕСКО ҳамкор- лигида ўтказиб келинаётир. ЮНЕСКО юртимиздаги қадимий ёдгорликларни тиклаш ва кенг тар- тиб этишда фаолият кўрсатмоқ- да. Унинг «Жаҳон маданият ме- роси дурдоналари» китобида қадимий Самарқанд ва Шаҳрисабз,

Бухоро шаҳарларининг тарихий маркази, Хивадаги Ичан қалъа мажмуи каби ноб обидалар киритилган. Бойсун миллий фольк- лор ансамбллари ЮНЕСКО томо- нидан инсониятнинг озаки ва номоддий дурдонаси сифатида эътироф этилган. Ўзбекистон кино усталари томонидан яратил- ган ўнлаб бадиий ва ҳужжатли фильмлар ЮНЕСКОнинг Жаҳон кинематография меъроси рўйхати- га киритилган юртимизнинг на- фақат қадимий ёдгорликлари, балки замонавий маданият ва санъат намуналари ҳам ҳалқаро миқёсда юксак қадрланаётганидан далолатдир.

ЮНФПА ҳамда Жаҳон соғлиқ- ни сақлаш ташкилотлари аҳоли- шунослик ва репродуктив сало- матлик дастурларини амалга ошириш, соғлиқни сақлаш бўйи- ча миллий тизим самарадорлиги- ни ошириш, она ва болалар сало- матлигини яхшилаш, атроф-муҳит мусоффолигини таъминлаш, фа- вукулда ҳолатларда кўмаклашиш каби масалалар борасида мамла- катимиз билан фео ҳамкорлик қилиб келаётир.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти- га Ўзбекистон раислик қилган 2010 йилнинг апрель ойида БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг мамлакатимизга таърифи асносида БМТ ва ШХТ қотибиялари ўрта- сида ҳамкорлик тўғрисидаги дек- ларация имзоланган. Марказий Осиёда интеграция жараёнлари- ни фаоллаштириш, минтақавий хавфсизликни мустақкамлашда мазкур икки ташкилотнинг итти- рокий кенгайтиришга хизмат қилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил сентябрь ойида БМТ Бош ас- соблеясининг Мингйиллик ри- вожланиш мақсадлари бўйича олиб даражадаги ялли мажлиси- даги нутқида глобал миқёсдаги долзарб масалалар юзасида амалий тақлиф ва тавсиялар бил- дирилди. Жумладан, Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доира- сида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ишлар, мамла- катимизнинг БМТ билан ҳамкор- лиги, Марказий Осиёда кенаятган жараёнлар, минтақавий хавфсиз- лик ва экология муаммолари, Аф- ронистон можаросини тинч йўл билан ҳал этишга оид амалий тақ- лифлари жаҳон ҳамжамияти то- монидан катта қизиқиш билан қу- тиб олинди ва қўллаб-қувватлан- ди. Буларнинг барчаси Ватани- мизнинг ҳалқаро ҳамжамиятдаги обрўси ва нуфузи тобора юкса- либ бораётганидан далолатдир.

БМТ Ўзбекистон Республикаси- нинг терроризм, экстремизм, айирмачилик ва наркотикага қарши биргаликда курашиш ҳам- да Афронистондаги вазиятни ба- рқарорлаштириш борасидаги та- шаббуслари ва бу йўналишда ҳал- қаро ҳамкорлик қилар экан, жа- ҳонда тинчлик ва хавфсизликни мустақкамлаш ишга ўзининг му- носиб ҳиссасини қўшаётир.

БМТ билан мамлакатимиз ўрта- сидаги ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланиб, қамров доираси кенгайиб бораётир. Ўзбекистон ушбу ҳалқаро ташкилот билан фео ҳамкорлик қилар экан, жа- ҳонда тинчлик ва хавфсизликни мустақкамлаш ишга ўзининг му- носиб ҳиссасини қўшаётир.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА шарҳловчиси

Giyohvandlik — asr vabosi

Коса тагидаги нимкоса

Суд очерки

Юртимиз табияти турфа хил- лиги билан доимо барчанинг эътиборини тортиб келган. Ма- салан, юртимизда Хоразм воҳа- си тоғлар мавжуд бўлмаган яго- на ўлка саналади. Табиийки, одамлар зарурат бўлганда то- шни Қорақалпоғистоннинг шун- доққина қўл узатса етгулик ма- софада жойлашган пастькам тоғ- ли туманларидан ташиб келти- ришади. Шу боисдан хазорасп- лик Эркабой Насимов, Аҳмад Ра- ҳимов, Саидқамол Болтаев, шу- нингдек, гиждувонлик Равадан Исомовлар тошни 800 қакриим йўл юриб, Самарқанд вилоятидан олиб келишга қарор қилгани жуда ажабланили ҳол.

Дарҳақиқат, киши ҳар доим бирор-бир ишга қўл уради экан, табиий равишда унинг имкон

қадар осонлик билан битишини истаиди. Шундай экан, юқорида исмли раҳбарнинг фуқаро- ларнинг ҳаракатини бир эмас, бир неча марта ортиқ қилиб, узокдан тош ташинишга нима хо- жат бор эди?

Қисқаси, 2011 йилнинг август ойида Саидқамол Болтаев бош- қарувдаги «КамАЗ» Хоразмдан Самарқанд томон йўлга тушди. Э.Насимов ва А.Раҳимовлар аса, манзилга «Нексия»да борадиган йўл-йўлакка Бухорода тўхтаб, сафларига Равадан Исомовни ҳам қўшиб оладиган бўлишди.

Раваданнинг уйдаги меҳмон- дорчиликда сархуш бўлган Аҳмад шерикларига ишлари бароридан келиши

Istiqloл va imkoniyat

Бунёдкорликдан чирой очаётган манзиллар



(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)

«Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деган ҳақиқатга амал қилиб, Кармандаги Қосим Шайх ва Нуросадаги «Чашма» ёдгорлик мажмуалари, Кармана шаҳри ва Работи Малик обидасининг тарихий қиёфаси қайта тикланди. Хотира майдони, Алишер Навоий меъморий мажмуаси ва Навоий шаҳрида Жомеъ масжиди, 2400 ўринга мўлжалланган «Амфитеатр», «Ақвапар» бунёд этилганлиги эса меҳнаткаш ҳалқимизнинг оқибат ва обод Ватан барпо этиш йўлидаги орзу-интилизлари самарасидир.

Маълумки, бугунги кунда қишлоқ аҳолисининг турмуш шартини янада фаровонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиш кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида»ги қарори алоҳида ўрин тутмоқда.

Намунавий лойиҳалар асосида қад ростлаётган шинам уйларида ичимлик суви, электр ва табиий газ тармоқлари каби барча шарт-шароитларнинг яратилганлигига ҳавас қилса, арзийди. Айниқса, янги уйлар учун банклар томонидан узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратилаётганлиги фўқароларимиз учун қўшимча имкониятдир.

Утган қисқа давр мобайнида вилоятдаги 960 та оила ана шундай кулай ва шинам уйга эга бўлди. Уларнинг аксариятида ёш оилалар истиқомат қилаётди.

«Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинган 2012 йилда вилоятимизда ана шундай лойиҳа асосида яна 500 та янги уй қурилиши режалаштирилган.

— Биз ҳам барча кулайликларга эга бўлган ана шундай уйлardan бирининг соҳиб бўлидик, — дейди Қизилтепа туманидаги «Гумбаз» маҳалла фўқаролар

йигини раиси Мехриддин Яхшиев. — Замонавий, кўркам иморатда, шинам ва ёруғ хоналарда яшашга нима етсин. Маҳалламизда бир қатор ижтимоий инфратузилма объектлари, жумладан, маҳалла гузари, замонавий новвойхона, савдо мажмуалари, болалар учун спорт майдончаси, мактаб биноси, гўзаллик саломи, дорихона, шарқона ва гўзал услубда барпо этилган савдо нукталари каби аҳоли учун бир-бирдан зарур объектлар бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилганлиги қишлоқнинг шаҳардан қилинмаслигининг амалий ифодаси бўлди.

Маълумки, баркамол авлод — мамлакатимизни ривожлантиришда ҳал қилувчи кундир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, олдимизда турган энг зғу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажиги ҳам, эртанги кўнимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қан-

дай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсон бўлиб вояга етишига боғлиқдир.

Бу талабларга муносиб равишда кадрларни тарбиялаш, уларга таълим бериш тизими тубдан ислоҳ қилинди. Бугунги ёш авлодга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳар жиҳатдан эътирофга лойиқ. Навоий шаҳрида «Ёшлар саройи»нинг барпо этилиши ана шундай ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси бўлди, десак, муболага бўлмайди.

«Ёшлар саройи»да «Тасвирий ва амалий санъат», «Тикувчилик ва ёш дизайнерлар», «Ёш техниклар», «Пазандчилик», «Сартарошлик» каби ўндан ортиқ тўғараклар, «Ёш оила», «Ёш тадбиркор консалтинг маркази» каби бешдан ортиқ марказ фаолияти йўлга қўйилган, — дейди «Ёшлар саройи» директори Дониёр Солиев. — Ахборот-ресурс маркази бадиий ва илмий китоблар, газета-журналлар билан таъминланган. Шунингдек, изланувчан ёшлар бу ерда ўзларини қизиқтирган маълумотларни олишда интернет залидан фойдаланаётганлиги, тил марказида эса чет тилларини ўрганишни хоҳловчи ўқувчи ҳамда талабалар сабоқ олаётганлиги ёшларимиз замон билан бўйлашаётганлигидан, улар «Ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч қачон кам бўлмаслигидан» далолат беради. Энг қувонарлиси, «Ёшлар саройи»да бир кунда 640 нафар ёш йигит-қизлар турли тўғаракларда шуғулланиш имкониятига эга.

Ёшларга вилоят, республика ҳамда халқаро танловларда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритишлари учун билимдонлик ва зукколик, илм-маърифат қалнини тутқазаётган бу мухташам қошона уларнинг келгусидаги орзу-интилизларига қанот бўлади. Ўз истеъодларини янада кенгроқ намоён этишларига имкон берадиган кутлуғ маскан бўлиши муқаррар.

Қизилқумнинг бепойн кенгликлариға барчамизни соғинтирган баҳор нафаси кириб келаётган айни кунларда навоийлик ёшлар яна бир ҳаяжонли лаҳзалар оғушида ашмоқда. Чунки умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари-2012» Республика спорт мусобақалари финал босқичи Навоий вилоятида бўлиб ўтди. Бундай нуфузли мусобақанинг ўтказилиши катта ифтихор бағишлаши билан бирга жуда катта масъулият ҳам юклайди. Шу боис бугунги кунда вилоятда ушбу мусобақага тайёргарлик ишлари юқори савияда давом эттирилмоқда.

— Ушбу мусобақаларнинг энг асосий объектида, яъни Навоий шаҳрида замонавий 10 минг ўринли, қиймати 23,5 миллиард сўм бўлган марказий ўйингоҳ қурилиши юқори суръатда олиб борилмоқда, — дейди Навоий шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси Юсуф Матлабов, — ҳозирда 80 фоиз қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Қиймати 4,8 миллиард сўм бўлган Навоий олий спорт маҳорати мактаби биноси қурилиши ҳам жадвал суръатда олиб борилмоқда ва жорий йилнинг апрель ойида тўлиқ тугатилиши режалаштирилган.

Мехмонларни муносиб кутиб олиш, ўқувчи ёшларга ва мусобақа иштирокчиларига зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Таълим жамғармаси, корхоналар ва ҳомиёлар маблағи ҳисобидан умумий қиймати 7,5 миллиард сўм бўлган 11 та, жумладан, 6 та ўрта ва 2 та олий таълим муассасаларининг ётоқхона, ошхона ва спорт заллари, сузиш ҳавзаси ва Навоий кон-металлургия комбинатиға қарашли спорт саройи, «Навоийазот» очик акциядорлик жамиятиға қарашли ўйингоҳ каби объектларда капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, шаҳарнинг асосий қўчаларида жойлашган тураржой бинолари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектларини лойиҳа асосида замонавий меъморчилик талабларига мос равишда таъмирлаш таррадуди қўрилмоқда.

Баҳор юртимиз чиройига яна чирой қўшади. Биз ҳам табиат каби яна яратувчанлик, янги бунёдкорлик, эзгу ишлар сари улкан қадамлар ташлаймиз. Бу интилизларимиз, албатта, юртимизнинг равнақиға равақ бўлади.

Маруся ХОСИЛОВА,
Ўзбекистон Журналистлар иждоий уюшмаси аъзоси

Garoyib olam

Тақдир ва тафаккур

Инсоният пайдо бўлибдики, табиат ва унинг сир-саноатларини ўрганишга, англаб етишга ҳаракат қилади. Лекин бир қарашда оддийгина кўринган табиат ҳодисалари шунчалар мўъжизага бойки, уни ўрганишга, англашга ҳаракат қилганингиз сайин мураккаблашиб бораверади. Дейлик, коинотни тасаввурга сиғдириш мумкин, ammo унинг чегарасини кўз илғамайди. Ёхуд бир томчи сувни бемалол кўриб турсак-да, унинг таркибида сон-саноксиз моддалар борлигини бир қарашда билолмаймиз. Қуйида илф-фан тараққиётида кўзга кўринмас моддаларни ўрганишда бениҳоя катта аҳамиятга эга бўлган илмий асбоб — микроскопнинг бугунги кўринишидаги мукамал шаклини ясаган Антони ван Левенгук ҳақида ҳикоя қиламиз.

Голландиянинг Дельфт шаҳрида ўртаҳол хунарманд Антонион ван Левенгук билан Маргарет Бел ван ден Берч оиласида ўғил дунга келди. Унга кўпам ўйлаб ўтирмай, отасининг исмиға таассуб қилиб, Антони деган ном беришди.

Бола улғайганида отаси унга дастлабки билимлар — ўқиш, ёзиш ва ҳисобни билан мустақил шуғулланишга ўтган Антони бу иш ўзига тўғри келмаслигини тушуниб етди. Шунда у отасининг маслаҳати билан Амстердамға йўл олди, шаҳарда қассир ва бухгалтерлик касбини ўрганди. Сўнгра ҳаёт шу экан-да, деган ҳаёлда пойтахтда бутунлай яшаб қолишни ўйлаб юрган кезлари қутулмаган бир воқеа юз бериб, унинг келгуси тақдирини бутунлай ўзгартирди.

Усмисрининг қўлиға Роберт Гукнинг «Микрография» китоби тушиб қолди. Антони инглиз олимнинг асарини бир ўтиришда ўқиб чиқди ва унинг сўнги саҳифасини ёпар экан, келгуси ҳаёт йўлида нима билан шуғулланишини англаб етди.

Микроскопнинг асосий дунёсига микроскопсиз кириб бўлмас экан, шу ажиб ускунанинг яратилиш тарихиға ҳам қисқача назар ташлаб ўтайлик. «Микро» — «майда», «скоп» — «қўриш» маъносини англатади. Микроскопнинг арабча номи «зарраби» эса «заррани кўришни» демекдир. Бу киричча бўлса ҳам инсоният олдидиға хизматлари улкан бу асбобни эса, кўзга илнимас нарсаларни ийриқлаштириб кўрсатувчи линзасиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Биллурдан ясси-бўртма шаклда сайқаланиб ясалган дастлабки линза милоддан аввалги VII асрда мажбур бўлган қадимий Иневия харобаларида ўтказилган археологик қазинишларда топилган. Кейинги минг йилликда линзадан фойдаланиш оптик асбоблар янада, дурбин, заррабин ва бошқа қурилмаларни ихтиро қилишда ёрдам берди.

965 — 1039 йилларда яшаб ўтган машҳур араб олими Ибн ал-Ҳайсан (Европада Алхазен номи билан машҳур бўлган) ўзининг оптик соҳасиға доир салмоқли асаридиға линзани сферик саҳ сифатида тасвирлайди. Алломанинг нуфузли илмий ташкилот — Лондон Кириллик жамиятининг ҳақиқий аъзолигиға сайланди. Бироз кейинроқ уни Франция Фанлар академияси ўз сафиға қабул қилди.

Антони ван Левенгук 91 йил умр кўрди. Унинг Кириллик жамиятиға — Лейбниц, Гойгенс, Хук каби олимлар номига йўллаган мактублари нақ тўрт жилди китобдан иборат. Уларни голландиялик буюк олимнинг ҳаётлик пайтида нашр эта бошлашган, сўнги тўртинчи жилд ҳам 1722 йили, унинг вафотидан бир йил аввал дунё юзини кўрган.

Мухтабар НУСРАТОВА

Маълумки, фўқаролик жамиятида ҳар бир муносабат шартнома асосида амалға оширилади. Шу жиҳатдан мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайдиган, ўзаро низоли масалаларни қонуний ҳал этиш имконини берувчи муҳим аҳамиятга эга ҳужжат ҳисобланади.

Maslahat Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси талаблари Фўқаролик кодексиди белгилаб қўйилган. Мазкур кодексға мувофиқ, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бўйича бир тараф (бошқарувчи муассиси) иккинчи тараф (ишончли бошқарувчи)ға мол-мулкни муайян муддатта ишончли бошқаришга топширади, иккинчи тараф эса, ушбу мол-мулкни бошқарувнинг муассиси ёки у кўрсатган шахс (фойда олувчи) манфаатларини кўзлаб бошқариш мажбуриятини олади.

Ишончли бошқарувчи мол-мулкни ишончли бошқарар экан, шартномаға мувофиқ, ушбу мол-мулкка нисбатан фойда олувчининг манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳар қандай юридик ва амалий ҳаракатларни амалға оширишға ҳақли ҳисобланади.

Муассис билан ишончли бошқарувчи ўртасида тузиладиган мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси, васиятнинг ижросини тайинланган васиятнома, суднинг қарори, васийлик ва ҳомиёллик органининг васийликка олинган шахсининг мол-мулкни устидан васийлик белгилаш тўғрисидаги

қарори ҳамда қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа юридик фактлар асосида мол-мулкни ишончли бошқариш шартнома келиши.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси ёзма равишда тузилиши лозим. Бундай турдаги шартнома тузилиши, ундаги шартларнинг бажарилмаслиги оқибатида келиб чиққан низолар кейинчалик манфаатдор тарафнинг даъво аризалариға кўра, суд тартибидида кўриб чиқилиши мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берадиган, ўзаро низоли масалаларнинг олдини олишға, манфаатларини қонуний ҳимоя қилишға қаратилган муҳим келишув ҳужжати ҳисобланади. Мазкур шартнома, биринчидан, юридик шахслар йўл қўйиши мумкин бўлган қилишви камчиликларнинг олдини олса, иккинчидан, мулкий муносабатларнинг қонуний ҳимоясини таъминлашға хизмат қилади.

Журьят НАФАСОВ,
фўқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг раиси

(Давоми. Бошланиш учинчи бетда)

Хамтовоклар Самарқанддан олинажак тошни Хоразмға қандай етказиб бориш ҳақида ўз режаларини баён эта бошладилар. Шунда улардан бири: «Бизға яна бир хайдовчи зарур. Акс ҳолда йўлда Саидқамолнинг ёлғиз ўзи толиқиб қолади», деди-ю, бу фикр ҳаммаға маъқул келиб, мезбон сифатида хайдовчи топил вази-фаси Равшанин чегика тушди. Р.Исомов бу истакнинг ҳам дарров уддасидан чиқди. Унинг таниши Б.Очил-«КамАЗ»ни бошқаришға розилик берди.

Қисқаси, «КамАЗ» ҳадемай Самарқанд, сўнг Ургутға кириб борди. Тошни машинаға ортиш ва ортага қайтишда ҳам барчаси рисоладагидай кетаётганди. Фақатгина юк машинаси «Мирбозор» яқинида бузиллиб қолгани хамтовокларнинг қўнғини жиндай хижил қилди, холос. Аммо уларнинг умумий таниши, киракаш Э.Худойбердиев томонидан дарров етказиб келинган «КамАЗ»ни бирпасда тузатиб бергач, бу ташвиш ҳам ортда қолди. Тош ортилган машина яна манзил сари йўл олди. Энг кизиги, «КамАЗ» Ургутдан чиқаётган паллада йўл-йўлкай унга яна бир «юк» ортилди. Бу «юк» эса...

Келинг, бу ҳақда кейинроқ сўз юритамиз.

Ишлари битганидан мамнун хамтовоклар яна Жиздунда тўхтаб, Равшаниннинг уйда ҳордиқ чиқаришиди. Гарчи, хали манзилға етишмаган бўлса-да, дастлабки довондан ошиб ўтган, яъни керакли «юк»ни қўлга киритган хамтовоклар ўзаро ҳазил-хузул қилиб гаплашишарди. Ҳазорасп тумани сари йўлга отланишганда «КамАЗ»ни Б.Очил бошқарди. Р.Исомов унга хамроқ бўлди. Э.Насимов, А.Рахимов ва С.Болтаевлар эса яна «Нексия»ға чиқишди.

Хоразм ва Қоракалпоғистон тарафларға ўтган кишилар, айниқса, хайдовчилар яши билишади — «Мискин»

Giyohvandlik — asr vabosi

Коса тагидаги нимкоса

Суд очерки

муродов, С.Тангрибердиев, Б.Саидов, Р.Жуманазаров, ота-бола Ҳусниддин ва Жамолдин Акромов каби кимсалар ҳам борлиги маълум бўлди.

Бу ёғини сўрасангиз, Э.Насимов бу иллатға биринчи марта 2006 йилда кўл урган эди. Ушанда у 200 грамм оғуни Ҳазорасп туманиға олиб келиб, Саъдулла исмли кимсаға пуллаганди. Кейинчалик эса бу иллат ботқоқиға бутунлай ботиб кетди. «Кўр-кўрни қоронғида топади» деганларидек, Рахимов, Болтаев, Исомов сингарини нияти бузуқ кимсалар унинг хамтовокларига айланди.

Шундан сўнг жиний гуруҳ бу қабих ишға муқассидан кетди: улар 800 грамм «тарак»ни Равшан, 950 грамм гиёвандлик моддасини Искандар, 50 граммға тенг «опий»ни Шохназар исмли кимсаларға сотди. 2008 — 2009 йилларда эса ушанган гуруҳ томонидан ҳуфия сотилган гиёвандлик моддаларининг умумий миқдори 1400 граммни ташкил етди. Айтиш керакки, бу мўмай даромад оғуфурдушларни буткул беҳалват қилиб қўйганди. Самарқандлик Акромов «таъминот» борасида хамтовокларига панд бермади. 2010 январь ойида Э.Насимов томонидан харид қилинган 10 килограмм, октябрь ойида сотилган 15 килограмм ажал уруғини унинг жиний шериклари Р.Кутлимуродов ва С.Тангрибердиевлар О.Оллаберганава тегишли «Нексия» русумли машинада, ўтган йилнинг апрель ойида сотиб олинган 18 килограмм ва май ойида харид қилинган 15 килограмм «опий» гиёҳ-

вандлик моддасини эса Р.Кутлимуродовға тегишли бўлган «Нексия» русумли машинада Ҳазораспга етказилди. Э.Насимов томонидан бу фалажловчи «юк» юқорида исмлари келтирилган шахсларға, шунингдек онгшурининг «юк ажал» чангалида топширган бошқа гиёҳвандларға тўхтосиз пуллаб турилди.

«Килмиш — кидирмиш», дейдилар. «Қаҳрамон»ларимиз қисмати ҳам шундай бўлди. Эрқабой Насимов, Аҳмад Рахимов, Саидқамол Болтаев ва Равшан Исомовларнинг муҳдис қилиши алоҳида жиноят иши сифатида кўриб чиқилди. Судланувчиларға нисбатан амалдаги Жиноят кодексининг 28-246, 25-273 ва 273-моддалари бўйича қўйилган айблар тўлиқ тасдиқланди. Судланувчиларға қонуний жазо тайинланди.

Бугун она-Ватанимиздаги барқарор, тинч-осойишта ҳаёт, бунёдкорлик руҳиға баърининг ҳаваси келиши шубҳасиз. Юртдошларимизнинг келажакка бўлган ишончи гоят мустаҳкам ва улар ҳалол меҳнат завқини теран идрок этишаётди. Минг афсуски, ҳаётнинг бундай ширин неъматлари қадри гиёҳфурдушликка муқассидан кетган бандларға буткул бегонадир. Тўғрироғи, бундай шумният кимсалар оила, яқинлар меҳр-оқибатидан ўзларини ўзлари жудо этишади. Сўнги сўзимиз ҳам ушбу фикрға ҳамоҳангдир: ҳаётдан эзгулик истаган ва шу йўлда собит бўлган киши бахт-саодатға эришади, аксинча, киниги қилмишларға муқассидан кетган кимсалар охири-оқибат жазо топади.

Абдулла СОБИРОВ,
«Куч — адолатда» муҳбири

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ХАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ

- Бўритош МУСТАФОВ
- Олимжон ИСМАИЛОВ
- Шерали РАҲМОНОВ
- Боқижон ЯҲЁЕВ
- Жаҳонгир ХАЙДАРОВ
- Наврузда РАҲАБОВА
- Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
- Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
- Мухаммад АЛИ
- Омонбой ОҚОЛОВ
- Холмўмин ЕДГОРОВ
- Дилбар СУЙУНОВА
- Шонбус ФОЗИЕВ
- Баҳриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир

- Отабек САФАРОВ
- Саҳифаловчи Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди. манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзиллими: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-316. Қўғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувада эркин нарҳда. Адади: 8869.
1 2 3 4 5
Тошириш вақти: 20⁰⁰ Тоширилди: 22⁰⁰